

## Зулҳижжа ойини аввалги ўн кунда айтиладиган зикрлар



15:00 / 02.07.2022 6094

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

**«... Маълум кунларда Аллоҳнинг номини зикр қилинглр»,** (Ҳаж сураси, 28-оят).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу «Маълум кунлар»ни зулҳижжанинг аввалги ўн куни, деганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана бунда (яъни, зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунда) қилинганидан-да афзалроқ амал йўқ», дедилар. Шунда саҳобалар: «Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳамми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, деб, «лекин бир киши моли ва нафсини хатарга

қўйиб кўчага чиқсаю, ҳеч бир нарса билан қайтмаса, ана ўша афзалдир», дедилар.

### *Имом Бухорий ривоятлари*

Имом Термизийнинг ривоятларида: «Солиҳ амаллар қилинган кунлар ичида зулҳижжа ойини ўн кундан кўра Аллоҳга маҳбуброқ кун йўқдир», дедилар, деб келади.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Дорамийнинг «Муснад»ларида ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Зулҳижжа ойининг ўн кундаги амалдан кўра афзалроқ амал йўқдир»**, деганларида, «Жиходдан ҳамми?» дейишди. *(Ровий ҳадисни охиригача зикр қилган.)*

Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дуоларнинг яхшиси арафа кундаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган калималарнинг яхшиси

**«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир»**, деб айтишдир», дедилар».

### *Термизий заиф иснод билан ривоят қилганлар.*

Имом Моликнинг «Муватто»ларида эса: «Дуоларнинг афзали арафа кундаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарларнинг айтган калималарининг афзали **«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ»** дир», деб келган.

Имом Молик бу ҳадисни мурсал ҳолатда лафзида ноқислик билан ривоят қилганлар.

Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу арафа куни бир тиланчи одамлардан тиланиб юргани кўриб: «Эй ожиз, бу кунда Аллоҳдан бошқадан ҳам сўраладимми?» дедилар.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан олинди.***